



Бокс бўйича жаҳон чемпиони Аббос Атоевни Янги йил арафасида Бухоро шаҳридаги олимпия захиралари спорт мактаб-интернатида учратдик. Бухоро давлат университети талабаси бўлган Аббос одатда машгулотларни шу ерда ўтказлади.

Аббос АТОЕВ:

ЧЕМПИОН

БЎЛИБ ТУФИЛМАЙДИЛАР

— Аббос, боксга қандай кириб келгансиз?

— Вобкент туманидаги Қўлхатиб қишлоғида туғилганман. Отам боксга бўлган қизиқишини пайқаб, 1994 йилда мени мана шу мактаб-интернатга бошлаб келганлар. Шу ерда ўқиб, мураббийим Олим ака Муҳамедов қўл остида бокс сирларини ўргандим. У кишидан миннатдорман.

— Жаҳон чемпиони бўлиш қийин, аммо ёқимли. Шундай эмасми?

— Биласизми, устозим Олим ака доимо бизга «Чемпион бўлиб туғилмайдилар» деган гапни ўқтирадилар. Машаққатли меҳнат, машгулотлар, ўз устингда қаттиқ ишлаш авазига муваффақият қозонишинг мумкин. Чунки рингда ҳеч ким ютқазини истамайди. Жаҳон чемпиони бўлганимга қадар қўлаб мусобақаларда қатнашиб тобландим. 2004 йилда Жанубий Кореяда ёшлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионатида бронза, Туркияда талабалар ўртасида ташкил этилган дунё биринчилигида кумуш, 2007 йилги Осиё чемпиони-

тида олтин медални қўлга киритдим. Кейин эса жаҳон чемпионлиги насиб этди. Муваффақиятларимни мамлакатимизда спорт билан шуғулланиш учун ҳукуматимиз, Юртбошимиз томонидан яратиб берилган қулайликлар маҳсули, деб биламан.

— Янги йилдаги ниётларингиз?

— Хабарингиз бор, Президентимиз Фармонида мувофиқ мен



«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан, мураббийим О. Муҳамедов эса

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан тақдирландик. Бу бизга билдирилган юксак ишончдир. 2008 йилда Пекинда ўтайдиган олимпиада мусобақаларида шу ишончни оқлаш ниятидаман.

Истам ИБРОҲИМОВ сўхбатлашди.

«Халқ сўзи» ўқувчиларига сўзайди — Ўшларнинг «Чемпион бўлиб туғилмайдилар» деган гапи спорт билан аммо бўлмайди.

ШОДУ ХУРРАМЛИКДАН АЙИРМАСИН

Эл хизматида юрагимиз. Концерт дастурлари, тўй-томашларда муҳлис-ларимиз «янгисидан» эшитишга ишқибоз бўлишди. Мен эса уларнинг бир гапириб ўн қулиши, қулганда ҳам самимий, қаҳ-қаҳ уришларига шинавандаман. Сўзга чечанликлари, бир-бирларига айтадиган қочиримлари, пайровларини эшитиб, қойил қолган пайтларим қўл бўлган. Шу боис бўлса керак, эл ичида, одамлар орасида юрсам, илҳомим қайнайди, қулгили воқеаларни ҳам, латифаларни ҳам менга шу соддадил халқимизнинг ўзи тўхфа этади.



Бугун — қутлуг Янги йил байрамида халқимизга ҳаммиса ана шундай қувонч, шодлик, ҳамжиҳатлик ёр бўлишини ниёт қиламан. Буларнинг бари тинч-осуда мамлакатга, бугуни ва эртасидан кўнгли тўқ, умиди қатта одамларгагина ярашади. Тилагим, ҳар Янги йилни шундай хуррамлик ила қарши олайлик. Хаётимиз севиноч, хушқайфият, эзгулик ҳисларига бой бўлсин!

Ҳожибой ТОҶИБОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Янги йил совғалари

болалар ва катталар учун

АРЧАЛАР.
АРЧАЛАР УЧУН БЕЗАКЛАР

Тўлов — пул ўтказиш йўли билан.

Тел.: 173-96-14,
173-97-00,
276-52-91.

Ёш актёрлар тўхфаси

Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусикали драма театрининг ёш ижодкорлари Янги йил байрами олдидан «Сехри қон» спектаклини (Тоҳир Малик ва Омон Шариф асари) сахналаштиридилар.

Инсонлардаги яхшилик ва ёвузлик, донолик ва айёрлик каби хусусиятлар ҳақида ҳикоя қилувчи воқеалар байрам таштаналари қулали намойиш этилади. Ушбу сахна асарини қишлоқ мактабларида намойиш этиш ҳам режалаштирилган.

Бахриддин САТТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Туманимиз тоғлар орасида жойлашган. Мен етакчилик қилаётган маҳалла эса олимпия туманининг энг чеккасида, Қатрон тоғларининг этаклидан ўрин олган. Одатда, биз умргузаронлик қилаётган манзиллар эътибордан четда, қаровсиз, йиллаб диққат эътиборидан ташқарида эди.

МАҲАЛЛАМ —

ОБОД ОСТОНАМ

Истиқлол эса маҳаллага ахиллик қўрғони, кадр-қиммат маскани, меҳр-муҳаббат ўчоғи сифатида қарашга ўргатди. Энг муҳими, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир фуқаро ўз маҳалласига ўз уйим, ўлан тўшагим, фариштали хонадоним, деб қарайдиган бўлди.

Бундан 10-15 йил аввал маҳалланинг ўз гузари, савдо мажмуалари, маъмурий биноси туғул, тузукроқ номи ҳам йўқ эди. «Кўз қўрқоқ, қўл ботир», деган гап тўғри. Эндиликда бу ерда ҳавас қиладиган 30 га яқин савдо, умумий оқватлашиш, маданий-маиший хизмат шохобчалари бор шинамгина тадбиркорлар шаҳарчаси пайдо бўлди. Маҳаллага кириве-

Фахр

ришда қишлоқнинг рамзий дарвозасини ҳам бунёд этдик. Ҳеч муболагасиз, ўтаётган йилни қишлоғимизда экологик маданият шаклланиши, деб аташ мумкин. Чунки маҳалладаги 32 та хонадонда санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган тизим яратилди. Шундай ибратли ишларимиз туфайли республика, вилоят миқёсларида ўтказилган «Энг обод маҳалла», «Санитария-гигиена жиҳатидан энг намунали маҳалла» танловларида қатнашиб совриндор бўлдик.

Раҳимберди МАВЛОНОВ, Сўх туманидаги Янгиерқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Айёмга совға

Асака туманида истиқомат қилувчи тадбиркор Маҳфуза Аҳмедованинг ўз сармоёси ҳисобидан қуриб битказган замонавий «Гўзаллик саломи» ва мини маркет дўкони ҳамқишлоқлари учун чинакам Янги йил совғаси бўлди.

Шаҳрихон шаҳрининг Бувайда маҳалласида қад ростлаган тантаналар саройи Ёшлар йилининг

илк меҳмонларини ўз бағрига олади. Яна бир тадбиркор Р. Раҳимов барпо этган умумий оқватлашиш шохобчасида эса Янги йил дастурхони ёзиладиган бўлди.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Газетанинг навбатдаги сони 3 январь, пайшанба куни чиқади).

«ЎЗМЕТКОМБИНАТ» АИБ

ЖАМОАСИ

Ўзбекистоннинг кўп миллатли аҳолисини

Янги — 2008 йил

билан чин андан самимий муборакбод этади!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бағрибутунлик, эзгу тилақларингизнинг амалга ошишини тилаймиз.

Янги йилда сизга тинчлик-хотиржамлик, омад, зафарлар ёр бўлсин!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 57. 48341 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материали

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳах — Ш. Машираббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 16.37
Тошпирилли — 18.35 1 2 3 4 5 6 7